

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

"РЎЙХАТГА ОЛИНДИ"

№ ВМ-343-51409-3.21

"1" июль 2003 й.

"ТАСДИҚЛАНДИ"

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

"8" июль 2003 й.

**ЎҚИТУВЧИНИНГ НУТҚ
МАДАНИЯТИ
фанидан
ДАСТУР**

**Олий таълимнинг 140000 - "Ўқитувчилар
тайёрлаш ва педагогика" таълим соҳасидаги
5140900 - "Касб таълими" бакалавриат йўналиши учун**

Тошкент - 2003

Тузувчи: проф. Хусанов Н.

Такризчилар: проф. Бегматов Э.,
доц. Лафасов Ў.

"Ўқитувчининг нутқ маданияти" дастури иқтисодиёт олий ўқув юртларидаги касб таълим бўйича бакалаврларни тайёрлашга мўлжалланган.

Қадимдан тараққий этган мамлакатларда кадрларни тайёрлашда уларнинг нотиклик маҳорати ва нутқ маданиятига эга бўлишларига алоҳида аҳамият беришган. Дастурда бўлғуси иқтисодчи-педагогнинг ўз фикрини аниқ ва равшан ифодалаш, нотиклик маҳоратини шакллантириши билан боғлиқ масалалар ўз аксини топган.

Программа обучения "Культура речи преподавателя" предназначена для специалистов педагогико - экономического направления..

В развитых странах с давних времён при подготовке кадров особое внимание уделялось искусству и культуре речи. В основном от будущих специалистов - экономистов требовалось владеть ораторским искусством и культурой речи. Программа уделяет внимание обучению подготовленной и неподготовленной монологической речи и формированию навыков ораторского искусства.

The such Culture teaching program is distined for pedagogical- economic frend specialists.

In dekeloped countries in ancient times in training personnel particular attention was paid to speech are and culture.

On the whole future economists were ashed pau were attention to use right words in solving important problems in theis jobs, to use professional language of economists, trade worhes is teacher's for demonstration of his skills.

Дастур Тошкент Молия институти Илмий Кенгашида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган (25 апрель 2003 йил 9-сонли баённома).

Дастур Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги олий ўқув юртлариаро илмий-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгаш мажлисида муҳокама қилинган ҳамда нашрга тавсия этилган (2003 йил 1 июль 37-сонли мажлис баёни).

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиб, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти қуриш йўлидан бораётган бугунги кунда дунё андозалари

даражасидаги билимдон, зукко, ҳар томонлама етук иқтисодчи - педагог мутахассис кадрларни тайёрлаш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Фанни ўқитишнинг мақсад ва вазифалари, бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

"Ўқитувчининг нутқ маданияти" ўқув курси "Касб таълими" ихтисослиги бўйича таҳсил олаётган бакалаврият талабаларига ўқитилади. Бу ўқув курсини ўқитишдан асосий мақсад бўлажак иқтисодчи-педагогларнинг нутқини равон, мазмунли ва таъсирли бўлишини таъминлашдан иборат.

Бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

"Ўқитувчининг нутқ маданияти" фани педагогика, психология, маънавият, асослари ўзбек тили, мутахассислик тили, иқтисод назарияси ва иқтисод фанининг бошқа соҳалари билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганилади.

Талабаларнинг билим, кўникма ва маҳоратларига қўйиладиган талаблар

Бакалавр ўз ихтисослик фанлари билан бир қаторда иқтисод тили ва услуби, иқтисодий атамашунослик, иқтисодий нутқ асослари тўғрисида мукамал билимга эга бўлмасдан туриб, ўз фикрини иқтисод соҳасига қўйиладиган талаблар асосида аниқ ва равшан ифода эта олмайди. Шу боис бўлажак иқтисодчилар иқтисод тилининг ўзига хос хусусиятларидан пухта хабардор бўлмоғи лозим.

Семинар машғулоти бўйича бажариладиган ишлар минимал миқдорига талаблар

Мазкур ўқув курсини ўқитилиши муайян амалий йўналишга эга бўлиб, бакалаврият талабасида нутқ маданияти бўйича назарий билим ва амалий кўникмаларни, ўз соҳасига доир ҳужжатларни тўғри юритиш малакасини ҳосил қилишни кўзда тутди.

Аудитория машғулоти турларининг соатлар ҳажми (фоизлар) бўйича тавсиялар

Ушбу курс бўйича аудитория машғулоти турлари соатлар бўйича қуйидагича: маърузалар-18 соат, семинар машғулоти - 20 соат, Мустақил таълим-18 соат.

Компьютер, информацион ва бошқа замонавий технологияларни қўллаш

1. Компьютер;
2. Лингофон хонаси;
3. Аудио, видео аппаратуралар;
4. Видео-кутубхона ва ЎТВ.

2. ФАН ДАСТУРИ

"Ўқитувчининг нутқ маданияти" фанининг мазмуни ва вазифалари

"Ўқитувчининг нутқ маданияти" фани тилшунослик ва иқтисодиёт илмлари билан боғлиқ муҳим фан сифатида: предмети, мақсади ва вазифалари. "Ўқитувчининг нутқ маданияти" фанининг манбалари.

Иқтисодий билимлар ва ўзбек адабий тили ўртасидаги муносабат. Тилнинг ривожидан иқтисоднинг аҳамияти: янги-янги атамаларнинг иқтисодга кириши натижасида тилнинг ҳам бойиб бориши.

Иқтисоднинг ривожидан тилнинг вазифалари: иқтисодий билимларни авлоддан-авлодга етказиш, иқтисодчилар ўртасида ўзаро фикр алмашиш воситаси, иқтисодий тафаккур юритиш қуроли.

Нутқ маданияти ва нотиклик тарихи

Нутқ маданияти ва унинг сўз санъатидаги ўрни. Нутқ маданияти ҳақида турли тушунча ва хулосалар. Адабий талаффуз ва унинг халқ шевалари билан муносабати.

Нотиклик тарихи. Қадимда Юнонистонда сўз санъати-нотиклик санъати. Аристотель, Демосфен, Платон, Сократнинг нотиклик санъати.

Рим нотиклиги ривожланишининг сиёсий-иқтисодий асослари. Цицерон ва унинг асарларида нотиклик санъатининг яратилиши.

Шарқда ва Марказий Осиёда нотиклик. Абу Наср Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Имом Ғаззолий, Кайковус, Жалолиддин Румий, Хусайн Воиз Кошифий, Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Ҳамза, Фитрат, Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулум, Абдулла Қаҳҳор ва бошқаларнинг нутқ маданиятига оид қарашлари ва фикрлари.

Давлат арбоблари ва ҳарбий арбобларнинг нотиклиги: Амир Темури, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Файзулла Хўжаев, Шароф Рашидов, Ислам Каримов ва бошқаларнинг нотиклик маҳорати.

Нутқ ва нотиклик санъатининг турлари

Адабий тил. Адабий тилнинг икки шакли: оғзаки ва ёзма нутқ. Оғзаки нутқнинг кўринишлари: адабий сўзлашув, нотиклар нутқи, радио-телевидение нутқи, сахна нутқи.

Нотиклик санъати. Нотиклик санъатининг турлари. Сиёсий-ижтимоий нотиклик. Сиёсий-ижтимоий ва сиёсий-иқтисодий маъруза. Ҳисобот маърузаси. *Митинг нутқи. Ҳарбий ватанпарварлик нутқи. Дипломатик нутқ.*

Ижтимоий-маиший нотиклик. Кундалик турмушдаги маросим ва маиший анжуманларда бу нуткнинг ўрин ва роли. *Мадҳия, мақтов ва табрик нутқи.*

Академик нотиклик ва унда баён усули. *Академик нотикликда сўз ва атамаларнинг ўрни. Академик нотиклик кўринишлари: илмий маъруза, илмий шарҳ, илмий ахборот.*

Диний нотиклик ва унинг кўринишлари: таъзия, мотам, хутба, ваъз усуллари.

Суд нотиклиги ва унинг турлари: судья нутқи, адвокат нутқи, прокурор нутқи, даъвогар нутқи.

Иқтисодчи-педагог нутқи ва унинг тасвирий техникаси

Шарқ ва Марказий Осиё нотиклигига хос усуллар. Уларнинг таъсир кудрати ва аҳамияти. Иқтисодчи-педагог нутқининг асосий хусусиятлари: тўғрилиқ, софлик, аниқлик, мантиқийлик. Бу хусусиятлар ўртасидаги мутаносиблик.

Нутқ техникаси ҳақида маълумот. Овоз ва унинг иқтисодий нутқ таъсирчанлигидаги роли, овоз имкониятлари ва манбалари. Овоз устида ишлаш. Интонация. Нафаснинг нутқдаги аҳамияти. Нафас устида ишлаш. Артикуляция ва дикция ҳақида маълумот.

Нотиклик санъатида қўл ҳаракати-муҳим восита сифатида. Жест ва формалистик талқин назариячилари. Мантиқий ва психологик кайфият узвийлиги. Нотиклик санъатида қадди-қомат ҳолати. Мимика (юз ҳаракати) нутқнинг энг муҳим воситаси сифатида. Мимиканинг табиийлиги.

Паузанинг нутқдаги ўрни ва роли. Унинг товуш, бўғин, сўз ва мантиқий урғуга муносабати.

Нутқ аъзолари ва уларнинг вазифалари.

Нутқнинг тасвирий воситалари ва адабий меъёр

Ифода тасвирий воситалари ва уларнинг нутқда тутган ўрни. Ифода тасвирий воситаларининг турлари: метафора, ўхшатиш, сифатлаш, метонимия, муболаға, киноя, аллегория, жонлантириш, такрор, метатеза, риторик савол ва бошқалар. Нутқда экспрессив стилистик бўёқнинг ўрни ва аҳамияти. Экспрессив-стилистик бўёқнинг ифодаланиш йўллари: лексик-семантик, морфологик, фразеологик, фонетик.

Ҳозирги ўзбек адабий тилининг меъёрлари: фонетик, талаффуз, имловий, луғавий, грамматик, пунктацион, семантик-услубий ва илмий меъёрлар.

Адабий меъёрнинг амалий аҳамияти.

Иқтисодчи-педагог нутқи ва услубшунослик

Нутқ ва услуб. Тил услублари ва нутқ услублари. Лексикология ва услубшунослик. Услубнинг ўзига хос хусусиятлари.

Адабий тил ва функционал услублар. Функционал услубларнинг турлари: сўзлашув услуби, расмий услуб, илмий услуб, публицистик услуб, бадиий услуб.

Бадиий услуб ва ўқитувчи нутқи.

Иқтисодчи-педагог нутқи ва атамашунослик

Иқтисодиёт тили ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Иқтисод тилининг асосий шартлари. Бозор иқтисодиёти шароитида иқтисод тилининг аҳамияти. Иқтисодиёт тили ва унинг таркиби.

Иқтисодиёт лексикаси ва унинг турлари: умумистеъмолдаги сўзлар, иборалар, атамалар. Иқтисодий атамашуносликнинг шаклланиши ва бойиши манбалари. Иқтисодий сўз ва атамаларни қабул қилиши принциплари.

3. СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИ МАВЗУЛАРИ

Нутқ ва нотиклик тарихидан

Нутқ - маданияти рамзи.

Адабий талаффуз ва халқ шевалари*.

Аристотельнинг нотиклик санъатига оид "Риторика" асари.

Цицероннинг "Нотиклик ҳақида" асари ва унинг нотиклик санъатига бағишланган нутқлари.

Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Алишер Навоий, Ҳусайн Воиз Кошифий, Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳорнинг асарларида сўз ва нутқ маданиятининг акс этиши*.

Нутқ ва нотиклик

Адабий тил ва нутқ.

Маъруза ва ҳисоботни тайёрлаш усуликаси*.

Темур ва Бобурнинг ватанпарварлик нутқи.

Президент И. Каримовнинг сиёсий нутқи таҳлили*.

Илмий маърузанинг мазмуни ва шакли*.

Диний нотикликнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни.

Иқтисодчи-педагог нутқи ва нутқ техникаси

Нутқ органлари.

Нутқ техникасини эгаллаш*.

Нутқнинг ифодавий воситалари*.

Нутқнинг тасвирий воситалари ва адабий меъёр

Фикрни ихчам, аниқ, тасирчан ва тушунарли ифодалаш*.

Тасвирий воситалар ва уларнинг нутқда тутган ўрни*.

Экспрессив бўёқнинг нутқда ифодаланиши бўйича машқлар.

Ўзбек адабий тилининг меъёрлари бўйича матнларни таҳлил қилиш*.

Нутқ ва услуб

Услуб. Нутқ услуби.

Лексик стилистика бўйича машқлар*.

Функционал услублар бўйича матнларни таҳлил қилиш*.

Нутқ ва сўз

Иқтисодиётни ривожланишида иқтисодий сўзларнинг ўрни.

Давлат тили ҳақидаги қонун ва ўзбек атамашунослиги.

Ўзбек иқтисодий атамашунослигининг бойиши, уни тартибга солиш муаммолари*.

Иқтисодий ҳужжатлар тили ва уни ўзига хос хусусиятлари*.

4. ТАВСИЯ ЭТИЛАЁТГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА- НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР РЎЙХАТИ

1. Таниқли суҳбатдорларнинг нутқини видео орқали таҳлил қилиш.
2. И. Каримовнинг Олий Мажлис сессияларида сўзлаган нутқларини ўрганиш ва таҳлил қилиш.
3. Лингофон кабинетидан, аудио ва видео воситалардан фойдаланиб нутқнинг аниқлигига, мантиқийлигига, таъсирчанлигига ва софлигига эътиборни қаратиш.
4. Таниқли иқтисодчи - педагогларнинг усулик маҳоратини видео материаллар орқали таҳлил қилиш.
5. Таниқли ва моҳир журналистлар билан учрашувлар уюштириш.
6. Газета ва журналларда эълон қилинган материалларни таҳлил қилиш.

5. ЎЗЛАШТИРИШНИНГ НАЗОРАТИ

Назорат қилиш турлари

Фанга ажратилган максимал балл - 38 балл, бундан жорий баҳолаш (Ж.Б.) га 12,5 балл, оралиқ баҳолаш (О.Б.) га 11,5 балл, якуний баҳолаш (Я.Б.) га 12 балл ажратилган.

Жорий, оралиқ ва якуний баҳолашлар талабалар билимини оғзаки, ёзма шаклларда назорат қилиш ҳамда рефератларни текшириш усулида ўтказилади.

Саралаш балл - 20,6 балл.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. - Т.: Ўзбекистон, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари" тўғрисидаги Конституциявий қонуни. - Т.: Ўзбекистон, 2002.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, маънавият. Т. 1.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
4. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т. 2.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т. 3.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
6. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т. 4.-Т.: Ўзбекистон, 1996.
7. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш-давр талаби. Т. 5.-Т.: Ўзбекистон, 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. -Т.: Ўзбекистон, 1998.
9. Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7.-Т.: Ўзбекистон, 1999.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Т. 8.-Т.: Ўзбекистон, 2000.
11. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9.-Т.: Ўзбекистон, 2001.
12. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.- Т.: Ўзбекистон, 2002.
13. Каримов И.А. Адолат-қонун устуворлигида.-Т.: Ўзбекистон, 2001.
14. Бахтиёр Омон. Сиёсий етакчининг нотиклик маҳорати. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
15. Имомова Т.З., Тухватулина Л. Иш қоғозлари қандай ёзилади.- Т.: Ўқитувчи, 1992.
16. Саидов А., Кўчимов Ш. Қонун ва тил.- Т.: "Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси" 1997.
17. Қудратов Т. Нутқ маданияти асослари.- Т.: Ўқитувчи, 1994.
18. Орипов К., Обидова М. Ифодали ўқиш. -Т.: Ўқитувчи, 1994.

19. Жалилов Х. Нотиклик санъати. -Т.: Фан, 1990.
20. Маликов Т.С. Молиявий қарор қабул қилиш асослари.- Т.: Ўзбекистон, 1996.
21. Абдуқаюмов А. Контракт бўйича иш юритиш. -Т.: Ўзбекистон. 1994.
22. Қўнғуров Р., Бегматов Э., Тожиев ғ. Нутқ маданияти ва услубият асослари.- Т.: Фан, 1992.
23. Ҳусанов Н. Нутқ маданияти фанидан маъруза матнлари.- Т.: ТМИ, 2001.
24. Қўнғуров Р., Абусаидов А. Газета тили лексик стилистикаси. Самарқанд. Сам.ДУ, 1994.
25. Валиева М. Нутқ маданиятини шакллантириш ўзликни англашдир. "Тил ва адабиёт таълими" журнали, 1999, 3 сон.
26. Ҳозирги ўзбек тили фаол сўзларининг изоҳли луғати. -Т.: "Sard", 2001.
27. Ўзбек тилининг имло луғати. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
28. Бегматов Э. Нотикнинг нодир бойлиги.- Т.: Фан, 1990.
29. Турсунов, Бозорбоев. Ўзбек адабий тили тарихи.- Т.: Ўқитувчи, 1999.
30. Ўзбек тили ва адабиёти журнали, 1995-2002 йиллардаги сонлари.
31. Тошалиев И. Сарлавҳа стилистикаси. -Т.: Фан, 1995.

Қўшимча адабиётлар

1. Қуръони Карим. - Т.: Чўлпон, 1993.
2. Ал-Бухорий Абдуллоҳ... Ал-Жомий ас-Саҳиҳ. Ҳадислар. 1-4-жилдлар. - Т.: Қомус, 1992.
3. Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шахри. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1993.
4. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. - Т.: Фан, 1968.
5. Темур тузуклари. - Т.: Адабиёт ва санъат, 1994.
6. Улуғбек Мирзо. Тўрт улус тарихи. - Т.: Чўлпон, 1996.
7. Алишер Навоий. Маҳбуб-ул қулуб. - Т.: Фан, 1987.
8. Низомиддин Шомий. Зафарнома. - Т.: Ўзбекистон, 1996.
9. З.М. Бобур Бобурнома. - Т.: Чўлпон, 1998.
10. А. Авлоний Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.- Т.: Шарқ, 1994.
11. М. Бехбудий Танланган асарлар. - Т.: Маънавият, 2000.
12. Бобоев Ҳ., Ҳасанов С. Авесто-маънавиятимиз сарчашмаси. -Т.: Адолат, 2001.
13. Маънавият юлдузлари. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги нашриёт, 1999.
14. Алпомиш. - Т.: Шарқ, 1998.
15. Халқ, миллий мафкура ва зиёли масъулияти. // Тафаккур, 1999, 2-сон.
16. Комилов Н. Тасаввуф. -Т.: Фан, 1996.
17. Шомахмудов Ш. Шорахмедов Ш. Ҳикматнома.- Т.: Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси, 1990.